

## **ДТМ коррупцияга қарши курашиш комиссиясининг амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҲИСОБОТИ**

Давлат тест марказининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича ярим йиллик иш режаси ишлаб чиқилди ва Марказ директори томонидан тасдиқланди.

Коррупциянинг олдини олиш мақсадида 2019/2020 ўқув йили қабулидан бошлаб, давлат олий таълим муассасаларига бакалавриятга ўқишга кириш учун абитуриентлар фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги 4319-сонли қарори қабул қилинди.

Марказда фуқораларнинг мурожаатларидан келиб чиқиб ва коррупцияга шароит яратувчи ҳолатларни ўрганган ҳолда уларни бартараф этиш, берилган маълумотларни зудлик билан қабул қилиш ҳамда тегишлиги бўйича жавоб бериш, фуқораларга қўшимча қулайликлар яратиш, муаммоли масалаларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида **“Call center”** фаолият олиб борилмоқда. Бундан ташқари Марказ ишонч телефони, веб-сайти ва ОАВларида фуқороларга маълумотлар бериб борилмоқда.

ДТМ веб-сайтида фаолиятни баҳолаш бўлимида сўровнома ташкил этилган (натижалари илова қилинади).

Коррупцияга қарши курашиш комиссияларининг фаолияти бўйича амалга оширилган ишлар бўйича комиссия раиси Марказ аппарат йиғилишларида амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар бериб борилмоқда.

Коррупция бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилмоқди:

2019 йил 22 феврал куни **“Давлат тест маркази коррупцияга қарши”** мавзуда навбатдаги очик мулоқот ўтказилди.

Тадбирда Тошкент давлат юридик университети вакили – юридик фанлари доктори, профессор Мухамеджанов Омон Зокирович, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва Давлат тест маркази ходимлари иштирок этдилар.

Очик мулоқотда мавзуга оид ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш ижтимоий зурурат эканлиги, коррупцияга қарши курашда жамоатчиликнинг роли, Ўзбекистонда коррупцияга йўл қўймаслик юзасидан олиб борилаётган амалий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар бўйича маърузалар ўқилди ва презентациялар намойиш қилинди (маълумот илова қилинади).

Марказнинг Жиззах вилояти бўлими томонидан 2019 йил 5 февраль куни Жиззах давлат педагогика институти маданият саройида **“Таълим муассасаларида Коррупцияга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари”** мавзусидаги **“Коррупция сифатли таълимнинг қушандаси”** мавзусида маъруза қилинди (маълумот илова қилинади).

Сирдарё вилояти бўлими томонидан Гулистон Давлат университети қошидаги Гулистон академик лицейида коррупцияга қарши курашиш бўйича 2019 йил 4 февраль куни 2-3-босқич битирувчи ўқувчилари учун йиғилиш ўтказилди.

2019 йил 6 мартда Давлат тест марказида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ички дастур ишлаб чиқилди ва марказ директори томонидан тасдиқланди.

2019 йил 29 март куни Давлат тест марказида **“Коррупция - халқнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавф”** мавзусида очик йиғилиш ўтказилди. Очик йиғилишда Марказ жамоатчилик кенгашининг аъзолари,

марказ ходимлар ва ОАВлари ходимлари иштирок этди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия кўмитаси девони Жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими бош мутахассиси А.Арипов **“Коррупция - халқнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавф”** мавзусида маъруза билан иштирок этди

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Жаҳон банки томонидан 2019 йил 24 апрелда ташкил этилган **“Ўзбекистон Республикаси Жаҳон банкининг давлат бошқаруви индикаторларидаги кўрсаткичларни яхшилаш”** мавзусидаги халқаро давра суҳбатига Ф. Мирзаев иштирок этди.

Қорақолпоғистон республикаси бўлими ходимлари 2019 йил 17 май куни ТошПТИ Нукус филиали академик лицейи ўқувчилари ва ходимларига (битирувчи босқич ўқувчилар ва абитуриентлар) **“Коррупцияга қарши курашиш – барчамизнинг вазифамиз”** мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Навоий вилоят бўлими ходимлари томонидан “Коррупцияга қарши курашиш” амалий семинар машғулотлари тезиси ишлаб чиқилди ва ходимлар томонидан ўтказилаётган давра суҳбатларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

2019 йил 22 май куни ДТМ да **“Тест жараёнида шаффофликни таъминлаш ёхуд коррупцияни олдини олиш”** мавзусида Бош прокуратура билан ҳамкорликда давра суҳбати ташкил этилди. Очiq йиғилишда Марказ жамоатчилик кенгашининг аъзолари, марказ ходимлари ва ОАВлари ходимлари иштирок этди.


Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан 2019 йил 23 май куни ташкил этилган **“4-й раунд Мониторинга Ўзбекистана в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией ОЭСР”** мавзусидаги халқаро конференцияга Ф. Мирзаев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729 сонли **“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”** ги Фармони ДТМ да 2019 йил 28 май куни барча ходимлар иштирокида ўрганиб чиқилди. Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида марказ директорининг 2019 йил 29 майда № 01-330 сонли буйруғи қабул қилинди. Буйруқ асосида ДТМ коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссиянинг янгиланган таркиби киритилди (илова қилинади).


Давлат тест марказида коррупцияга қарши курашиш комиссиясини амалга оширган ишлари бўйича Марказ жамоатчилик кенгашининг йиғилишларида, Ҳайъат йиғилишларида ва марказнинг аппарат йиғилишларида маълумот бериш йўлга қўйилган.

### FAOLIYATNI BAHOLASH


Veb-sayt faoliyati sizga ma'qulmi?




2018/2019 o'quv yilida oliy ta'lim muassasalariga kirish uchun tashkil etilgan test sinovlarini qanday baholaysiz?



Davlat test markazi faoliyatini qanday baholaysiz?



Chet tilini bilish va egallash darajasi bo'yicha malaka sertifikatini olish uchun o'tkaziladigan test sinovlarini qaysi til darajalariga topshirishni istaysiz?



Активация Windows  
Чтобы активировать Windows, перейдите в раздел "Параметры".